

Дубайда Қуръон карим ҳофизлари мусобақаси бўлиб ўтди



11:07 / 26.11.2018 3001

Бирлашган Араб Амирликлари “Шайх Муҳаммад ибн Рашид” марказида ҳар йили ўтказиб келинаётган ёш болалар ўртасидаги 13-Қуръони карим ҳофизлари мусобақаси ниҳоясига етди, деб хабар беради IQNA.

Мусобақа якунига кўра 33 нафар ўғил ва қизга махсус совға ва дипломлар топширилган.

Маданият маркази раҳбари Нурма Муҳаммад Сулаймоннинг таъкидлашича, иштирокчиларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

“Бу йилги мусобақада 11 ёшли ҳиндистонлик қори бола ҳам қантнашиб совринга эга бўлди”, дейди Марказ раҳбари.

Islom.uz портали тахририяти